

6-20-2019

PROBLEMS OF TRANSLATION AND COMPARATIVE STYLISTIC ANALYSIS OF THE UZBEK AND ENGLISH NATIONAL FOOD NOMINEES

Gulnoza Odilova PhD

Tashkent state university of Uzbek language and literature named named after Alisher Navoiy.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

Recommended Citation

Odilova, Gulnoza PhD (2019) "PROBLEMS OF TRANSLATION AND COMPARATIVE STYLISTIC ANALYSIS OF THE UZBEK AND ENGLISH NATIONAL FOOD NOMINEES," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 20.

DOI: 10.36078/987654351

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Гулноза Одилова

Ф.ф.н, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ МИЛЛИЙ ТАОМ НОМИНАНТЛАРИ ҚИЁСИЙ СТИЛИСТИКАСИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризмнинг хилма-хил турлари жадал ривожланмоқда. Шундай йўналишлардан бири – шубҳасиз, гастрономик туризмдир. Гастрономик туризм соҳасида сервис сифатини ошириш, кўп жиҳатдан таом номинантларининг адекват таржима қилиш, ресторан ва ошхоналар таомномаларидаги инглизча матнларнинг лингвистик талаблар даражасида берилишига ҳам боғлиқ. Таомномаларга қирувчи миллий таом номинантлари таржимаси услубиятини ўрганиш, бугунги кун таржимашунослиги олдидаги долзарб масалалардан биридир.

Глюттоник дискурс аспектларидан бири миллий таом номинантларининг деривацион усуллари тадқиқи ва уларнинг таржима масалаларини ўрганишдан иборатдир. Мақолада ўзбек ва инглиз таом номинантлари услубияти Ўзбекистон, Британия ва АҚШ миллий ошхонасига мансуб таом номинантларининг лингвистик таҳлил қилинади. Ўзбек миллий таом номинантларининг ясашиш мотивацияси ва этимологияси инглиз таом номларига муқояса асносида қиёсий таҳлил қилинади. Ўзбек миллий таом номинантларини инглиз тилига таржима қилишда қўлланиладиган трансформацион усуллар мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди. Ўзбек миллий таом номинантларини инглиз тилига таржима қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: таом номинантлари, номлаш мотивацияси, ўзбек ва инглиз таом номлари стилистикаси, таржима трансформациялари.

Gulnoza Odilova

PhD, Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy.

PROBLEMS OF TRANSLATION AND COMPARATIVE STYLISTIC ANALYSIS OF THE UZBEK AND ENGLISH NATIONAL FOOD NOMINEES

ABSTRACT

Today, tourism in Uzbekistan is developing dramatically, in particular, gastronomic tourism. Improving the quality of service in gastronomic tourism is largely dependent on the adequate translation of the range of food products, as well as on the language requirements for texts in English in restaurants and places of public catering. The study of the methodology of translating nominees of national cuisine is one of the topical issues of modern translation studies.

The research of derivation and translation problems of food nominees is one of the aspects of gluttony discourse. This article analyzes the stylistics of the Uzbek, British and American food nominees. Motivation and etymology of the Uzbek national food nominees were compared with food nominees of English national cuisine. Given examples are based on transformational methods, in translation of the Uzbek national food nominees into English. Developed a number of recommendations, on the method of translating Uzbek national food nominees into English.

Key words: food nominees, name motivation, style of the Uzbek and English national food nominees, translation transformations.

КИРИШ

Бугунги кунда гастрономик туризмни ривожлантириш бўйича, давлатимиз томонидан бир қанча ислохотлар олиб борилмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Туризмни Ривожлантириш Давлат Қўмитаси томонидан 2018-2019 йилларга мўлжалланган “Лаззатли Ўзбекистон” гастронмик энциклопедиясини яратиш лойиҳаси молиялаштирилди. Туристларга хизмат қилувчи ресторанлар таомномаларидаги кўплаб хато ва камчиликларнинг мавжуд эканлиги бу лойиҳанинг яратилишига асос бўлди. Зеро, ўзбек тилшунослигида миллий таом номинантларининг услубияти комплекс таҳлил қилинмаган. Таржимашунослик нуқтаи назаридан миллий таом номинантларини инглиз тилига таржима қилишда қўлланиладиган трансформацион усуллар кўрсатиб берилмаган. Натижада, энг нуфузли ўзбек ресторанлари таомномаларида инглиз гастрономик услубиятидан холи бўлган ғализ сўзма-сўз таржима матнлари учрамоқда. Таомномалар ва кулинар китоблар таржимасида таржимон дуч келадиган дастлабки муаммолардан бири – бу миллий таом номларини таржима қилишдир. Таом номинантлари, яъни глуттонимларни таржима қилиш, матннинг туридан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин. Масалан, бадий матнда таом номи таржимаси орқали бадий образ ёки ботиний маъно қайта яратилса, рецепт ёки таомномадаги таом номининг тўғри таржимаси мижознинг шу таомни буюртма қилиш хоҳишини келтириб чиқаради [Ундрицова М.В. , 2015; 152].

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Мазкур ишнинг асосий мақсади – ўзбек миллий таом номинантларини Британия ва АҚШ миллий таом номинантлари билан услубий муқояса қилиш. Вазифаси эса, Ўзбек миллий таомларининг номланиш мотивациясига кўра турларини аниқлаш; Ўзбек миллий таомларини инглиз тилига таржима қилиш учун мақбул трансформацион усулларни тавсия этиш ва таом номинантлари таржимаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

ТАДҚИКОТ УСУЛЛАРИ

Тадқиқотда қиёсий-чоғиштирма, лингвостилистик методлардан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбек ошхонаси жонкуяри устоз Карим Маҳмудов шакллантирган “Ўзбек миллий таомлари”, “Ўзбек тансиқ таомлари” китобларига киритилган таом номинантларини бир тизимга соладиган бўлсак, Ўзбек миллий таомлари орасида топонимик (худудий) брендга айланган таом номлари: *Жиззах сомса, Тошкент палови, Қашқадарё жизи*; Тасодифий антиқа номланган таом номларини ҳам кузатиш мумкин бўлади: *Ажабсанда, Пармуда сомса, Галмана*; Қандай ошхона анжомида тайёрланганлигига қараб: *тандир сомса, қозон сомса, қозон патир, сих кабоб, тандир кабоби, товуқ тандир, кўза шўрва*. Шунингдек, ўзбек миллий таомлари орасида истеъмол қилиш усулига кўра номланган таом номлари учрамайди. “Бешбармоқ” таоми қўл билан истеъмол қилинадиган бўлса-да, лағмон

(уйғур таоми) сингари бу таом ҳам миллий ошхонамизга ўзга – қозоқ ошхонасидан кириб келган. Мазкур таомнинг мавжуд эквиваленти шилпилдоқ эса, истеъмол қилинишига қараб эмас, таомнинг сифатига қараб номланган. Шунингдек, тайёрлаб истеъмол қилган ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталувчи таомлар: *чўпон кабоб, чўпонча, деҳонча салат, бой сомса* номлари ҳам мавжуд. Ўзбек, Британия ва АҚШ таом номларини умумий икки турга – содда (бир сўздан иборат) ва мураккаб (икки ва ундан ортиқ сўз ва қўшимчалардан иборат) таом номинантларига бўлиш мумкин. Масалан: ўзбек миллий таомларидан *сомса, ош, манти* содда таом номлари, *кўк сомса, қовоқ манти, пўстдумбали ош* мураккаб таом номинантлари ҳисобланади. Ёки бўлмаса: *pudding, pie, sandwich, cake* содда таом номлари, *Yorkshire pudding, pumpkin pie, lobster sandwich, club cake* – мураккаб таом номинантларидир.

Карим Маҳмудовнинг “Ўзбек миллий таомлари”, “Ўзбек тансиқ таомлари” китоблари ҳамда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ягона базасида жамланган ўзбек миллий таомлари рўйхатида келтирилган ўзбек миллий таом номинантларининг аталиши мотивларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) қандай маҳсулотдан тайёрланишига қараб қўйилган номлар; 2) тайёрланиш жараёнига қараб қўйилган номлар; 3) тасодифий антиқа номлар; 4) истеъмол қилган ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталувчи таомлар; 5) топонимик (худудий) хусусиятига кўра; 6) қандай ошхона анжомидан тайёрланганлигига кўра; 7) икки мустақил таомнинг комбинацияси ёки бири бошқасининг тайёрланиш техникаси билан пиширилишига кўра қўшилишидан ҳосил бўлганлигига кўра; 8) бошқа предметга ўхшаганлигига кўра. Қуйида ҳар бир категорияга мансуб таом номинантларини умумий рўйхатдан саралаб олиб, уларнинг ясалишини таҳлил қиламиз:

1. Қандай маҳсулотдан тайёрланишига қараб қўйилган номлар: *калла-поча, гўшт нон, ловия шавла, картошка шавла, сут бўтқа, мошгуруч бўтқа, бедана кабоб, каклик кабоб, буйрак кабоб, жигар кабоб, думба кабоб, чарви кабоб, помидор кабоб ва ҳк. з.* [Маҳмудов.К., 1960; Маҳмудов К., 1993; Маҳмудов К., 1998]. Бу категорияга мансуб таом номинантлари бир ёки икки глуттонимнинг қўшилишидан ҳосил бўлади ва қуйидаги усулларда ясалган:

а) битишув усулида: от+от битта маҳсулот номи ва битта таом номи қўшилишидан ясалган янги таом номлари. (*жигар кабоб, думба кабоб, чарви кабоб, помидор кабоб, қўзиқорин кабоб, елин кабоб, балиқ дималама ва ҳоказо*).

б) сўз ясовчи –ли суффикси қўшилган таом номлари: – ли суффикси аниқловчи компонентли сўзларга қўшилиб, таомнинг масаллиғи номидан иборат эканлигини аниқлаб туради: *Катиқли ош, қазили палов, қовоқли сомса* [Худаярова М.Т., 2008; 103].

Мазкур категорияга кирувчи таомлар Америка ва Британия ошхонасида ҳам кўп учрайди. Сабаби, таомларни номлашда европалик ошпазлар, асосан, таомнинг ичига солинган масалликқа урғу берган ҳолда ҳўрандининг иштаҳасини очишга уринганлар. Шу сабабдан, бу категорияга мансуб Британия таом номинантлари бир эмас, бир неча масалликни санаш орқали ҳам ясалган: *Apple pie, Roast lamb with mint sauce, Roast pork with apple sauce, Steak and kidney*

pie, Steak and kidney pudding, Roast lamb with mint sauce, Liver and onion/Liver and bacon, Cauliflower cheese, Steak pie, Steak and kidney pie, Steak and kidney pudding, Steak and oyster pie, Bread and butter pudding, Fish and chips. Америка таомлари орасида ҳам бу категорияга мансуб таомлар талайгина: *Cheese steak, Chicken and waffles, Chicken sandwich, Choco pie, Liver and onions, Lobster roll, Macaroni and cheese, Macaroni salad, Meat cake, Meat loaf, Milk toast, Maple bacon donut, Pork and beans, Pumpkin pie, Rabbit pie.* Ҳар иккала давлат ошхонасида қандай маҳсулотдан тайёрланганига қараб номланган таом номинантлари мавжуд Британия ва АҚШ ошхонасидаги мазкур категорияга хос таомлар қуйидаги усулда ясалган: **1) таом ичидаги маҳсулот + содда таом номи:** *Apple pie (олмали пирог)(Британия); Steak pie (гўштли пирог) (Британия); Cauliflower cheese(гулкарамли пишлоқ) (Британия); Chicken sandwich (товуқли сэндвич)(АҚШ); Choco pie (шоколадли пирог) (АҚШ); Lobster roll (лобстерли ўрама) (АҚШ); Macaroni salad (макаронли салат) (АҚШ); Meat cake (гўштли пирог) (АҚШ); Pumpkin pie (қовоқ пирог) (АҚШ); Rabbit pie (қуёнли пирог) (АҚШ); Milk toast (сутли тостер) (АҚШ); Cheese steak (пишлоқ гўшт) (АҚШ).* **2) равиш+от+with (билан) боғловчиси + от кўринишида ясалган қўшма отлар:** *Roast lamb with mint sauce (Сўзма-сўз таржима: ялпизли соус ва печда пиширилган қўзи гўшти); Roast pork with apple sauce (Сўзма-сўз таржима: печда пиширилган чўчқа ва олмали соус).* Бу усулда ясалган таом номинантлари хориждаги замонавий ресторан менюларида жуда ҳам кўп учрайди: *beef with tiramisu sause, chicken with garlic sause, chicken with mushroom sause, fish with white sause* ва бошқалар. Бу турдаги таомни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида *with* (билан) боғловчиси-ли суффикси билан таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Сабаби, мазкур мурраккаб усулда ясалган *with* боғловчили таом номинантлари таомга қўшиладиган соусни ифодалаб келади. Ўзбек пазандчилигида қайла ва соуслар “билан” боғловчи ёрдамида эмас –ли суффиксини соус ёки қайла номи(от)га қўшиш орқали ясалади. Масалан: *қатиқли мастава, қаймоқли юпқа.* Қатиқ билан мастава дейилса, икки таом мустақил равишда дастурхонга тортилаётганлигини англатади. Масалан: қаймоқ билан нон каби. –ли суффиксига қўшилган таом таркибидаги соус ёки қайласимон компонент асосий таомга қуйилган ёки сурилганлигини англатади. Юқоридаги иккала Британия таоми рецептида ҳам соус гўштнинг устига сурилган ҳолда дастурхонга тортилиши айтилади. Демак, ушбу таомлар ўзбек тилига – *ялпиз соусили печда пишиган қўзи гўшти, олма соусили печда пишиган чўчқа гўшти* деб таржима қилиниши мумкин. **And – “ва” боғловчиси ёрдамида бириккан таом номинантлари:** *Steak and kidney pie (лаҳм гўшт ва буйракли пирог, Британия); Steak and kidney pudding (лаҳм гўшт ва буйракли пуддинг, Британия); Steak and oyster pie (лаҳм гўшт ва чиганоқли пирок, Британия); Bread and butter pudding (нон ва сарийғли пуддинг, Британия);* Бу усулда ясалган таом номинантлари 1-маҳсулот номи + 2-маҳсулот номи + ва(*and*) боғловчиси + содда таом номи тарзида ясалган: *Steak and kidney pie (лаҳм гўшт ва буйракли пирог).* Шунингдек, Британия ва Америка ошхонасига мансуб таом номинантлари орасида иккита маҳсулот номининг ва (*and*) боғловчиси ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлган таом номлари ҳам мавжуд: *Fish and chips (Балиқ ва чипслар, Британия); Liver and onion (Жигар ва пиёз, Британия); Liver and bacon*

(*Жигар ва бэкон, Британия*); *Chicken and waffles* (*Жўжа ва вафлилар, АҚШ*); *Macaroni and cheese* (*Макарон ва пишлоқ, АҚШ*); *Pork and beans* (*Чўчқа гўшти ва нўхат, АҚШ*). Таом рецепти моҳиятидан келиб чиқиб, бу турдаги таом номинантларини икки хил усулда таржима қилиш мумкин: **1-усул:** ёрдамчи маҳсулот номига –ли суффиксини қўшиш орқали. Бинобарин, *Liver and onion* (*Жигар ва пиёз, АҚШ*); *Liver and bacon* (*Жигар ва бэкон, АҚШ*), *Macaroni and cheese* (*Макарон ва пишлоқ, АҚШ*), *Pork and beans* (*Чўчқа гўшти ва ловия, АҚШ*) таомларида икки маҳсулотнинг бири асосий, иккинчиси эса тайёрланиш жараёнида асосий маҳсулотга қўшилувчи ёрдамчи маҳсулот ҳисобланади. Бундай ҳолатда таом номи ўзбек тилига *Пиёзли жигар, Бэконли жигар, Пишлоқли макарон, Ловияли чўчқа гўшти таоми* деб таржима қилиниши мақсадга мувофиқдир. Кўриб турганимиздек, –ли суффикси асосий маҳсулот номига эмас, балки ёрдамчи компонент бўлган маҳсулот номига қўшилади. Бу усулда ясалган инглиз таом номлари рецептларини таҳлил қилиш жараёнида ёрдамчи маҳсулот номи “ва” (*and*) боғловчисидан кейинги ўринга туришига гувоҳ бўлдик: *Liver and onion* (*Жигар ва пиёз, АҚШ*); *Liver and bacon* (*Жигар ва бэкон, АҚШ*); *Macaroni and cheese* (*Макарон ва пишлоқ, АҚШ*); *Pork and beans* (*Чўчқа гўшти ва ловия, АҚШ*). **2-Усул:** *Fish and chips* (*Балиқ ва чипслар, Британия*); *Chicken and waffles* (*Жўжа ва вафлилар, АҚШ*) бу таомлар рецептини кўздан кечирганимизда, асосий таом биринчи ўринда ва асосий таом билан тортиладиган маҳсулот боғловчидан кейин келганлигига гувоҳ бўлдик. Яъни бу категориядаги таомлар бири бошқаси билан дастурхонга тортилади. Тайёрланиш жараёнида бир-бирига аралаштирилмай алоҳида тайёрланади, гарнир ёки қўшимча таом сифатида асосий таом билан бирга дастурхонга тортилади. Бундай ҳолатда *and* боғловчисини тўғридан-тўғри таржима қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни–*балиқ ва чипслар* (*Чипсили балиқ эмас*), *Жўжа ва вафлилар* (*вафлили жўжа эмас*). **3. Тасодифий антиқа номлар:** *галмана, пармуда сомса, ажсаб-санда*. Мазкур категорияга мансуб таом номинантлари ҳеч қандай информацион характерга эга эмас. Сабаби, таом номида унинг истеъмоли, ичидаги ингредиентлари еки қайси ҳудудда тайёрланиши билан боғлиқ бирор маълумот йўқ. Бундай таом номинантлари таомномага киритилганда, уларнинг таркиби билан боғлиқ маълумотларни гастрономик лексикадан фойдаланган ҳолда, иштаҳа очар стилистик бўёқдор сўзлар билан таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу каби таом номинантларининг номланиш мотивацияси қайсидир ошпазнинг кутилмаган кашфиёти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси раиси халқаро тоифадаги бош ошпаз Умаров Акбар Ҳамдамовичнинг сўзларига кўра, “Пармуда сомса” Тошкентда кашф этилган бўлиб, бу сўзнинг этимологияси Тошкентдаги кулинар курс якуний имтиҳони битирувчисининг кутилмаган ихтироси билан боғлиқ. Айтишларича, курс битирувчисида печда пишириладиган сомса хамирини юмшоқ қилиб юбориши натижасида тугилган сомсалар ўз шаклини йўқотиши эҳтимоли бор эди. Удабурон битирувчи ўз айбини яшириш мақсадида, сомсаларни икки дондан бир-бирига жуфтлаб чиқади. Натижада, сомсалар бир-бирига ёпишиб пишади ва хамирнинг нуқсони билинмайди. Имтиҳон қабул қилаётган устозига эса бу ўзи кашф қилган янгича сомса “Пармуда” (“пар” – русчасига бир жуфт; “муда” –Тошкентча шевадаги “мода” рус. сўз)

янгиша мода(урф)даги – пар (жуфт) сомса эканлигини айтади. Мазкур кашфиёт устозга маъкул келади. Негаки, ўзбек халқида сомса ва манти каби доналик хамирли таомлар меҳмон олдидаги ликобчага узатганда, асосан, бир жуфтдан бериллади. Бу ўзбек халқининг санок билан боғлиқ истеъмол номинантлари, жумладан, нонни жуфт узатиш тириклик, тоқ бериш айрилиқ ва ўлим билан боғлиқлиги ҳақидаги мифологик қарашлари билан асоцияланади. Сомса дастурхонга доим иссиқ тортилади. Кичик тугилган сомса меҳмонларга доим бир жуфтдан тортилади, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам сомсани мижозлар, асосан, бир жуфт ёки тўрт дона буютма қилиниши кузатилади экан. Шу тариқа, антиқа номдаги таом миллий таомларимиз рўйхатига кириб келади. Мазкур категорияга хос таомлар Британия ва АҚШ ошхонасида ҳам талайгина. Масалан: тайинли этимологиясига эга бўлмаган 1537 йиллардаги бадий асарларда *solyububbe* деб номи келтирилиб, кейинчалик товуш ўзгаришига учраган инглизларнинг қадимий *Syllabub* [<http://en/m/wikipedia.org/wiki/syllabub/>] десерти. Ёки ўзбек тилига ҳам тўғридан тўғри кириб келган *Hot dog*. Назаримизда, бу каби таомлар изоҳли транскрипция йўли билан таржима қилинган маъкул. Масалан: “*Ajabsanda*” *steamed beef, spices and seasonal vegetables in double pot*. **4. Истеъмол қилган ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталувчи таомлар:** *чўпон кабоб, чўпонча (зўшит), деҳонча салат, бой сомса*. Бу категорияга мансуб таом номинантларининг ном кўйиш мотивацияси қуйидагича: таом таркибидаги маҳсулотлар унинг номида келтирилган ижтимоий қатлам вакиллари учун ҳамёнбоб; мазкур таом, ўз номида келтирилган қатлам вакиллари томонидан яратилган бўлиши мумкин. Ёки таом ошпазлар томонидан ўйлаб топилиб, юқори ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталиши, шу орқали, мижозни овқатни сотиб олишга, “менинг ҳам қурбим етади” қабилда юқори баҳо беришга ундаш мақсад қилиб олинган бўлиши мумкин; унинг тайёрланиш техникаси таом номида келтирилган шахслар фаолияти ёки иш услуби учун қулай. Америка таомлари рўйхатида ҳам бу категорияга кирувчи: *Cowboy beans* (ковбойча ловия) таоми мавжуд. **5. Топонимик (худудий) хусусиятига кўра:** Тошкентча ош, андижонча ош, Жиззах палов, бухороча ош, қашқадарёча ош, самарқандча ош, хоразмча палов, ғиждувон кабоби, қашқадарёча “Дашт” шўрва, Қашқадарёча тандир шўрва, Қашқадарёча тандир. Мазкур категорияга мансуб таом номинантлари Топоним + ча аффикси + таом номи ёки топоним + таом номи + и – аффикси кўринишида ясалган. Бу категорияга киритилган таомлар миллий таомлар баъзасидаги таомларнинг турли худуднинг иқлим шароити ва маҳсулотларидан келиб чиқиб тайёрланиши, кейинчалик эса бошқа худудларда мазкур таомнинг бренд даражасига кўтарилиши натижасида ҳосил бўлган. Ўзбекистондаги баъзи бир вилоятлар (Самарқанд, Бухоро) шеваларида - **и** аффикси ҳам учрайди. - **и** аффиксининг ясовчилик хусусияти а) мазкур таомнинг жойномлари билан боғлиқ: Қобули шўрва, қашқари патир, бухори жаркўп; б) атоқли отлардан ҳосил бўлган: Пўлати нон, Қосимжони нон; в) таомнинг муайян ўрин ва истемол қилиш усули билан боғлиқ: Гузари палов, бозори нон, бозори қулча; г) Таомни тайёрлаш асбоб ускуналари билан боғлиқ: тандири барра атамаларини ясаш ҳақида мисоллар келтиради. Бироқ -**и** кўшимчаси билан таом номининг ясалиши Қорқақолпоғистон ва ўзбек шеваларида деярли қўлланилмайди [Худаярова

М.Т., 2008;101]. Бироқ ўзбек ошхонасида кенг қўлланадиган *варақи*, *варақи сомса* номли таом номинантларда бу қўшимча мавжуд. Америка ошхонасида ҳам шу категорияга мансуб таомлар мавжуд бўлиб, улар ҳам топонимик характер касб этади: *Kansas City-style barbecue*, *Memphis-style barbecue*, *Santa Maria-style barbecue*, *Chicago-style pizza*, *New York-style pizza*. Эътибор қаратадиган бўлсак, пицца ва барбекью (маҳсус ўчоқда тайёрланадиган гўшт) ҳамма давлатда ҳам тайёрланади. **Ўзбек топонимик таом номинантлари:** тошкентча ош, Гиждувон кабоби, қашқадарёча “Дашт” шўрва, қашқадарёча тандир. **Инглиз тили Америка варианты:** Tashkent style osh, Gijduvan style kebab, Kashkadarya style “Dasht” shurpa(soup), Kashkadarya style tandoor kebab. **Инглиз тили Британия варианты:** Tashkent osh, Gijduvan kebab, Kashkadarya “Dasht” shurpa(soup), Kashkadarya tandoor kebab. Ҳар иккала ҳолат ҳам хато ҳисобланмайди. **6. Қандай ошхона анжوميда тайёрланганлигига кўра:** кўза шўрва, ўчоқ оши, *тандир сомса*, *қозон сомса*, *қозон патир*, *сих кабоб*, *тандир кабоби*, *товуқ тандир*. Бу категорияга кирувчи таом номинантлари ошхона анжومي ёки асбоб номи + таом номи ва баъзи ҳолатларда асбоб номи + таом номи + и аффикси кўринишида (*тандир кабоби*) ясалади. Мазкур таомларнинг бошқа соддароқ ошхона анжомларида ҳам тайёрланадиган эквивалент рецептлари мавжуд бўлади. Бироқ, таъм жиҳатдан қозонга нисбатан, кўза, газ плитасида тайёрланган ошдан ўчоқда тайёрланган ошнинг таъми мазалироқ бўлганлиги учун таом номига қўшилган анжом номи таомнинг маза, таъм ва тайёрланиш техникаси ҳақида информатив характерга эга бўлади. Мазкур таомлар миллий таомлар ресторанлари таомномаси учун ҳорижий тилга таржима қилинганда таом ингредиентлари қаторида анжом ҳақида ҳам қисқача изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: Chickken tandoor (chicken baked in national oven made of fire-clay with regional spices). Таржимаси: Товуқ тандир (олов ўтказадиган маҳсус лойдан ясалган миллий печьда маҳаллий зираворлар қўшиб ёпилган товуқ). Бу тарзда ёзилган изоҳ, таом буюртма қилувчи хўранданинг қизиқиши ва иштаҳасини уйғотади. Чунки товуқ ҳаммага маълум ошхона печида эмас, маҳсус ўзбек миллий печи – тандирда ёпилган. Зираворлар масаласига келсак, “товуқ тандир” сўзининг ўзи ўзбек хўрандаси учун туздан ташқари мурч, қалампир ва тоғ арчаси сепиб тайёрланганлигини англатса, ҳорижлик сайёҳ учун мутлақо номаълум таом номидир. **7. Икки мустақил таомнинг комбинацияси ёки бири бошқасининг тайёрланиш техникаси билан пиширилишига кўра қўшилишидан ҳосил бўлганлигига кўра:** *хасип шўрва*, *угра чучвара*, *палов манти*, *хасип кабоб*. Мазкур категорияга кирувчи таомлар таркиби икки таомдан иборатлиги сабаб от + от комбинациясидан ҳосил бўлган. Масалан, угра чучвара таоми Андижон водийсида тайёрланиб, мазкур таомни тайёрлаш учун икки зувала ҳамир қорилиб, бирдан чучвара тугилади, иккинчисидан угра кесиб чиқилади. Қийма тайёрланиб, ярми чучваранинг ичига солинади, ярмидан эса, кифта (тефтель) тайёрланиб, угралаи тефтел шўрва каби шўрва тайёрланади ва аввал чучвара, чучвара ва кифталар пишиб чиққач эса, угра солинади [Маҳмудов К., 1989;332]. **8. Бошқа предметга ўхшаганлигига кўра:** *Қуш тили*, *мунчоқ атала*, *тугмача сомса*, *чумчуқ тил салат*, *қайиш ош*. Бу категорияга кирувчи таомлар кўпчиликни ташкил қилмайди. Таом номи бирор предметга муқояса қилиб қўйилган. Маса-

лан, *қуш тили* ширинлигининг букилиши қушнинг тилига ўхшаса, мунчоқ атала пархез таомида овқатнинг юзида сузиб юрадиган якка-якка кам миқдордаги гуруч косага сочилган мунчоқдек кўринади. Тугмача сомсанинг тугилиши эса тугмани эслатади. Британия ошхонасига мансуб *Toad in The Hole* (*Сўзма-сўз таржимаси: тешикдаги бақа*) таом бўлиб, албатта унга бақа қўшилмаган. Ростдан, Ёрқшир пуддинги ичида тешиклар бўлиб, у ерда кичкина колбасачалар бор. *Pigs in blankets* (*Сўзма-сўз таржимаси: кўрпа ичидаги чўчкалар*) таомида чўчка гўштли сосискалар (“чўчкалар”) бэконга (“кўрпа”) ўралган бўлади ва қовурилади. *Stargazy pie* (*Сўзма-сўз таржимаси: юлдузга термилувчан пирог*) пирогои майда балиқлар қўшиб тайёрланган бўлиб, пирогнинг четларидан чиқиб турган балиқ каллалари осмонга қаратиб қўйилганги учун шундай номланган [<https://www.google.com/amp/s/englandexplore.com/traditional-english-foods-strange-names>]. Америка ошхонасидаги *Chicken fingers* (*жўжа бармоқлари*) товуқ филесини бармоқдек катталикда кесиб, соус билан қовуриб тайёрланган таом, *onion rings* (*пиёз узуклар*) пиёзни халқа шаклда тўғраб махсус соусга белаб қовурилган газак.

МУЛОҲАЗА

Таом рецепти таржимасида сарлавҳа, яъни таом номинантининг таржимаси муҳим ўрин тутди. Аслида, кўпгина тилшунослар таом номинантларини миллий реалиялар каторига киритадилар [14]. Бироқ, таомномалар яратишда таом номинантларини шунчаки, транслитерация қилишнинг ўзи етарли эмас. Қуйида ўзбек ва инглиз миллий таомлари таржимасида қўлланиши мумкин бўлган таржима трансформацияларини кўриб ўтамыз: **Транскрипция ва транслитерация: Ўзбек тилидан инглизчага** – *Pilaf* (*Палов*); *Shurpa* (*Шўрпа*); *Kebab* (*Кабоб*); *Somsa* (*Сомса*); **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Стейк* (*Steak*); *Барбекью* (*Barbeque*); *Смузи* (*Smuzi*). Мазкур усул бир тилдаги таом номинантининг ҳарф составини иккинчи тилга олиб ўтиш ва ўша тилнинг фонетик имкониятларига мослаштириш усулидир. Бу усул билан иккинчи тилда муқобили бўлмаган миллий колоритга эга таом номинантлари таржима қилинади. **Қисман транскрипция: Ўзбек тилидан инглизчага** – *pupkin manti* (*ошқовоқ манти*) *Fried pilaf* (*қовурма палов*), *Stewed hasir* (*димлама хасир*) *Steamed kebab* (*буғлама кабоб*), *Fried shavla* (*қовурма шавла*), *Shaked kebab* (*тутрама кабоб*); **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Liver and bacon* (*жигар ва бэкон*), *Macaroni and cheese* (*макарон ва пишлоқ*), *Chicken fried steak* (*қовурилган жўжали стейк*). Бу усул, асосан, таомнинг тайёрланиши ёки таркибидаги ингредиенти + классик миллий таом номи конструкцияси асосида ясалган таом номинантларини таржима қилишда қўлланилади. Таржима тилида мавжуд маҳсулот ёки ҳаракат номи таржима қилиниб, аслият тилигагина тегишли бўлган классик таом номи транскрипция қилинади. **Изоҳли транскрипция: Ўзбек тилидан инглизчага** – “*Chuchvara*” *national beef dumplings* (*чучвара*); “*Ajabsanda*” *steamed beef, spices and seasonal vegetables in double pot* (*ажабсанда*); “*Sutli guja*” – *corn and milk soup* (*сутли гўжа*); **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Қийма солиб пиширилган цуккини* (*Stuffed zucchini*), “*Жерки*” *қуритиб дудланган гўшт* (*Jerky*). Бу усул ҳам миллий колоридга эга таом номи ҳеч қандай информатив ҳарактерга эга бўлмаса, таом номи-

ни қўштирноқ ичида транскрипция қилиб, таржима тилида таом ингредиенти ёки тайёрланишига ишора қилувчи изоҳ ҳавола этиш билан ясалади. **Калькаш:** Ўзбек тилидан инглизчага – *Quinces pilaf* (беҳили палов), *cow head and foot soup* (қалла-поча); *mung bean and rice porridge* (мошгуруч бўтқа) **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Грилда пиширилган пишлоқ* (*Grilled cheese*). Бу усулда, асосан, номланиш мотивацияси бўйича таом таркибидаги маҳсулотларнинг қўлланиши, тайёрланиш усули ва фойдаланилган ускунага қараб номланган таом номинантлари таржимасида қўлланилади. Аслият тилидаги плюттоним таржима тилига ўгирилиш жараёнида таржима тилига хос сўз ясовчи қўшимчалар, боғловчилар ва тўғридан тўғри қўшма от яшаш усулларида фойдаланилади. **Адаптация:** Ўзбек тилидан инглизчага – *National ramen soup* (угрели шўрва), *National dumplings* (чучвара); *Onion flat bread* (пиёзли қатлама); **Инглиз тилидан ўзбекчага** *Итальянча усулда тайёрланган хоним* (*Lazanya*); *Инглизча ширгуруч* (*rice pudding*). Бу усулни жўнроқ қилиб “маҳаллий шароитга мослаштириш” деб ҳам аташ мумкин. Бу усул муайян таомнинг таржима тилида тайёрланиши ва маҳсулотлари таркиби ўхшаш бошқа тилдаги эквивалентини бериш + ярим калькаш усули билан ясалади. Бу усул, асосан, таомномасида миллий таомлар мавжуд бўлган ҳорижликларга хизмат кўрсатувчи ресторанлар менюсида учрайди. Тошкент шаҳридаги “*Sal-sal*”, “*Palette*”, “*Aprel*” ресторанлари таомномалари таржимасида шу усулдан фойдаланиб таржима қилинганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. **Перефраз:** Ўзбек тилидан инглизчага – *Rice and beef soup with soured cream* (мастава), *Boiled beef and pasta* (шилпилдоқ); **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Ичига сабзавот, сариёғ, лимон шарбати аралаштириб пиширилган зирворли краб* (*Develed crab*), *пивога тўйинтирилган жўжа* (*Drunken chicken*). **Генерализация:** Ўзбек тилидан инглизчага – *Kebab* (митрама кабоб), *Pilaf* (тўғрама палов); **Инглиз тилидан ўзбекчага** – *Гўштли пирог* (*Steak and kidney pie*), *Ковурма жигар* (*Liver and onions*). **Конкретизация:** Ўзбек тилидан инглизчага *Meat broth with vegetables* (қайнатма шўрва); *Black eyed peas porridge* (ловия шавла). **Инглиз тилидан ўзбекчага** *Булғори қалампирли дўлма* (*Stuffed peppers*); *Газ печида ёпилган ловия* (*Baked beans*); *Пар печида пиширилган чўчка сон гўшти* (*Steamed ham*); *Сутли қайлага аралаштирилган жўҳори* (*Created corn*). **Тушириб қолдириш:** *Товуқли сендвич* (*Hot chicken sandwich*), *Печда пиширилган қўзи гўшти* (*Roast lamb with mint sauce*). Таом номинантлари таржимаси жараёнида ҳам интернационал омонимлар учраши мумкинки, улар таржимонни чалғитади. Масалан, Британия ошхонасига мансуб *beef steak* – биз билган *бифштейкдан* бутунлай фарқ қилади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзбек миллий таом номинантларини инглиз тилига таржима қилишда қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилади:

- таржима трансформацияларидан унумли фойдаланиш;
- таржима қилинаётган таом номинантининг лексикологияси ва этимологиясидан хабардор бўлиш;
- таржима қилинаётган таом номинанти рецептидан тўлиқ хабардор бўлиш;

– таржима қилинаётган таом номинантининг таржима тилида ўхшаш муқобили бор-йўқлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Ўзбек миллий таом номинантларини стилистик таҳлил қилиш, уларнинг лексикологияси ва этимологик жиҳатларини ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Сабаби, таом номинантлари лексик ва семантик жиҳатлари, уларнинг ясалиши ва тайёрланиш хусусиятига кўра номланиш мотивацияси ўрганилмас экан, миллий таом номинантларининг ресторан таомномалари учун хос изоҳларини тайёрлаб бўлмайди. Чунки таржимон таом спецификасини билмай туриб унинг менюбоп изоҳини ярата олмайди. Таом номинантлари таржимаси моделлари ишлаб чиқилмас экан, миллий таомлар ресторан таомномаларида шунчаки транслитерация қилиб қўйилаверади. Бу эса, гастрономик туризм соҳасида сервис кўрсатиш даржасининг пастлигидан далолат беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Undritsova M.V. Glyuttonicheskiy diskurs: lingvokulturologicheskiye, kognitivno-pragmaticheskiye i perevodicheskiye aspekty. Diss.kand filol nauk.Moskva:2015. —S –B.152.
2. Mahmudov Karim. Plov na lyubov vkus –Tashkent: Mehnat, 1998. –160s; O‘zbek milliy taomlari. – Tashkent: Davr Press, 2013. –104b; Mahmudov Karim. Choynoma monografiya. – Tashkent: Kamalak, 1993. – 46b; Mahmudov Karim. O‘zbek mehmonnavozligining nafosati, odob va e‘tiqodiy tomonlari to‘g‘risida mushohadalar. Tashkent: Yosh gvardiya, 1989-240b; Mahmudov Karim. O‘zbek taomlari: Tashkent: O‘zdavr nashriyoti , 1960. –240b; Mahmudov Karim. O‘zbek taniq taomlari. – Tashkent: Mehnat. 1989. –352b.
3. Xudayarova Muhabbat Tajimuratovna.O‘zbek tilidagi taom nomlarining lingvistik tahlili dis. f.f.n 10.02.02. Toshkent 2008 –B.103.
4. <http://en/m/wikipedia.org/wiki/syllabub/>
5. Xudayarova.M, –B.101
6. Mahmudov Karim: O‘zbek taniq taomlari. – Tashkent: Mehnat. 1989. –B.332.
7. <https://www/google.com/amp/s/englandexplore.com/traditional-english-foods-strange-names>

REFERENCES

1. Undritsova M.V. Gluttony discourse: linguocultural, cognition-pragmatical and translation aspects. PhD thesis Moscow:2015. – P 152.
2. Mahmudov K. Plov to taste –Tashkent: Mehnat, 1998. –160 p; O‘zbek national dishes. – Tashkent: Davr Press, 2013. –104b; Mahmudov Karim. Tea and about tea monografiya. – Tashkent: Kamalak, 1993. – 46b; Mahmudov Karim. Review on Uzbek hospitality Tashkent: Yosh gvardiya, 1989-240b; Mahmudov Karim. Uzbek cuisine: Tashkent: Uzdavr nashriyoti, 1960. – 240 p; Mahmudov Karim. O‘zbek delicious meals. – Tashkent: Mehnat. 1989. –352p.
3. Xudayarova M.T. Linguistic analyses Uzbek food nominees O‘zbek tilidagi taom nomlarining lingvistik tahlili PhD thesis Tashkent 2008 –P.103.
4. <http://en/m/wikipedia.org/wiki/syllabub/>
5. Xudayarova M.T P.101.
6. Mahmudov Karim. O‘zbek delicious meals. – Tashkent: Mehnat. 1989. –352p.
7. <https://www/google.com/amp/s/englandexplore.com/traditional-english-foods-strange-names>